12 ОКТ 1987

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◉ № 229 (6. 420) ◉ 1987 йил 9 октябрь, жума ◉ Баҳоси 3 тийин

Ассалом, Москва!

СССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ЮТУҚЛАРИ ВИСТАВКАСИДА УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ЎЗБЕКИСТОН ССР КУНЛАРИ БОШЛАНДИ

МОСКВА, 8 октябрь. (ЎзТАГ махсус мухбирлари С. Гребенюк, Л. Левин, С. Фенютин). Ватанимиз пойтахти билан учрашув ҳамиша кишини ҳаяжонга солади. Бугун ҳам улкан аэробус Домодедово аэропортига қўниш учун пасая бошлаганида, самолёт дарчаларидан Москва областининг қирмизи куз рангидаги дов-дарахтлари ўта бошлаганида Ўзбекистон делегацияси аъзолари орасида тўлқинланмаган киши йўқ эди.

Бугун Москвага келганлар орасида номлари Ўзбекистонда яхши маълум кишилар бор. Булар Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари — В. И. Ленин номидаги Олмалиқ кон-металлургия комбинати Қалмоққир конининг пармакаши Қосим Саппаров, Шредер номидаги илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг директори Маҳмуд Мирзаев, геология ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош геологи Георгий Касавченколардир. Пахтачи районидаги Карл Маркс номли колхоз раиси Абдуҳаким Қаландаров, Уйчидаги марказий поликлиниканинг офтамологи, СССР халқ врачи Назира Жуманова, «Малика» бирлашмасининг тўқувчиси, Ленин комсомоли мукофоти лауреати Машҳура Қодирова, Термиз бинокорлик конструкциялари комбинатининг кранчиси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси Елена Мордвинова, Тошкентдаги «Висотстрой» трестининг бригадири, партия XXVII съездининг делегати Мухтор Ҳабибуллаев, Урганч интернат-мактабининг директори, СССР халқ ўқитувчиси Мариям Ёқубова, Бухоро «Швейтрикотажбыт» бирлашмасининг бригадири Амнил Пакаевлар улар билан бирга.

Делегация составида партия, совет, касаба союз, комсомол ходимлари, олимлар, адабиёт ва санъат арбоблари бор.

Делегация аъзолари Москванинг Жданов ва Люблино районларида бўлиб, Ленин комсомоли номли автомобиль заводи, «Биринчи соат заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси каби машҳур корхоналарнинг меҳнат коллективлари билан учрашадилар.

Делегация марказий революция музейининг залларида партия ветеранлари билан суҳбатлашади, улар билан биргаликда юбилей экспозициясини кўздан кечиради.

Делегация аъзолари Коммунистик партия ва Совет давлатининг асосчиси Владимир Ильич Ленин хотирасини ҳурмат билан эслагани Қизил майдонга келиб доҳий мавзолейига гулчамбар қўядилар. Кремль девори ёнидаги Номаълум солдат қабрига гулчамбар қўйилади.

Республика олимлари ва мутахассислари москвалик ҳамкасблари билан бирга учрашадилар. Ижодий союзларнинг вакиллари пойтахтнинг адабиёт ва санъат арбобларига ўз ижодий режалари ҳақида гапириб берадилар. «Тошкент» кинотеатрида ўзбек фильмлари фестивали очилади. Москваликлар ва пойтахт меҳмонлари бу фильмларнинг илк томошабинлари бўладилар.

Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг марказий павильони олдидаги майдонда москваликлар бугун Ўзбекистон вакилларини анъанавий нон-туз, гуллар билан шодиёна кутиб олдилар.

Делегация аъзолари В. И. Ленин ҳайкали пойига гуллар қўядилар.

Ўзбекистон кунлари очилишига бағишланган митингда Люблино район партия комитетининг секретари Е. В. Вольдемарова, Биринчи соат заводининг сайқалчиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. Л. Евстигнеев, СССР халқ хўжалиги ютуқлари виставкаси директорининг ўринбосари А. В. Бартковская республика вакилларига табрик сўзлари айтдилар.


Ўзбекистон ССР делегациясининг раҳбари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари М. Ҳ. Холмуҳамедов жавоб нутқи сўзлади.

Анъанага кўра делегация аъзолари виставканинг марказий ҳиёбонларидан бирига кўм-кўк арча ўтқазиб, СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида бундан аввал кунлари ўтган иттифоқдош республикаларнинг делегациялари ўтқазган кўчатлар ёнида шу тахлитда жонли «дастхат» қолдирдилар.

Шундан сўнг делегация аъзолари виставканинг «Мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш» мавзуидаги янги экспозициясини кўриб чиқдилар.

Кечқурун СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида Ўзбекистон ССР кунлари очилишига бағишланган матбуот конференцияси бўлиб ўтди.

Замондошимиз



Оддий касб—олий касб

Дунёда касбнинг катта-кичиги, яхши-ёмони бўлмайди, дейишади. Бу ҳақ гап. Агар киши ўз касбини севса, дунёда ундан яхшироқ касб йўқ, албатта. Абдураҳмон касб танлашда кўп ўйланиб ўтирмади. Бетончилик касбини танлади. У бу соҳада ўзининг бор лаёқатини кўрсатди. Қурилишга келиб билдики, бу ердаги йигитлар бир эмас, бир неча касбни эгаллашган экан. У ҳам шулардек бўлишга аҳд қилди. Ҳозир Султон Икромов бошлиқ комплекс қурувчилар бригадасида нечта касб бўлса Абдураҳмон уларнинг ҳаммасини эгаллаб олган, десак асло муболаға бўлмайди. Агар бир пайтлар бетончилик касбини пухта эгаллаб олган бўлса, ҳозир уни энг яхши пайвандчи деб ҳисоблашади.

Абдураҳмон Бекободаги 12-қурилиш трестининг 49-қурилиш бошқармасида ишлаётганига ўн беш йилдан зиёдроқ вақт ўтди.

— Тўғри, қурувчилик бугунги кунда шарафли касб бўлиб қолди, — дейди у. — Аммо ҳозир ошкоралик, барча дилимиздаги гапларни рўй-рост айтадиган давр. Биз Энгельс кўчасидаги 12-турар жой биносини қуряпмиз. Очиғини айтганда, девор блоклари ва бошқа айрим материаллар билан таъминлаш суст. Қурилиш материалларн таъминоти бир маромда, кўнгилдагидек бўлмаганидан кейин ўз касбингга меҳр қўйганинг қандай самара бериши мумкин, ахир! Ёшлардаги ғайрат-иштиёқни бўшаштиришга «ёрдам» бераётган бундай нуқсонларга қанча тез барҳам берилса, шунчалик яхши бўлур эди. Бу ҳақда кўп гапирамизу аммо амалий ишга келганда ўзгариш унчалик сезилмаётир.

Нима ҳам дердик. Абдураҳмон ҳақ гапларни айтди. Чунки у кўпчилик иши учун астойдил жон куйдиради.

СУРАТДА: А. Бевалов.

Т. Каримов фотоси.

Бугун Тошкентда ягона сиёсий кун бўлиб ўтмоқда

Унинг мавзуи — «Улуғ Октябрь ва совет жамиятининг революцион янгиланиши».



«Тошкент оқшоми» мухбирлари оталиқдаги Тошкент, Сирдарё ва Жиззах областларидан хабар берадилар.

Биз ҳаммамиз—пахтакормиз

Ҳашарчилар ҳиммати

«Оқ олтин» далаларининг файзи-тароватидан дилларни хушнуд этиб, ўзига чорлаяпти. Шаҳардан йиғим-теримга чиққан ҳашарчиларнинг мўлкўл ҳосилни кўриб ғайратларига ғайрат қўшилмоқда. Уфқларга туташиб кетган далаларда чаноқлардан оқибтошиб ётган чаман пахталар «мени тезроқ териб олинг!» деётгандек жилва қилади. Пойтахт областининг Чиноз районидаги Навоий номли колхоз пахтазорлари теримчи ҳашарчилар билан гавжум бўлиб кетган.

Колхознинг 1-бригадаси бошлиғи Неъматжон ака Мирсобиров билан дала айланамиз. У хурсанд бўлиб гапиради:

— Шаҳарлик ҳашарчилардан жуда хурсандмиз, — дейди у чаққон пахта терашнинг комсомоли мукофоти лауреати Машҳура Қодирова, Термиз бинокорлик конструкциялари комбинатининг кранчиси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси Елена Мордвинова, Тошкентдаги «Висотстрой» трестининг бригадири, партия XXVII съездининг делегати Мухтор Ҳабибуллаев, Урганч интернат-мактабининг директори, СССР халқ ўқитувчиси Мариям Ёқубова, Бухоро «Швейтрикотажбыт» бирлашмасининг бригадири Амнил Пакаевлар улар билан бирга.

Делегация составида партия, совет, касаба союз, комсомол ходимлари, олимлар, адабиёт ва санъат арбоблари бор.

Делегация аъзолари Москванинг Жданов ва Люблино районларида бўлиб, Ленин комсомоли номли автомобиль заводи, «Биринчи соат заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси каби машҳур корхоналарнинг меҳнат коллективлари билан учрашадилар.

Делегация марказий революция музейининг залларида партия ветеранлари билан суҳбатлашади, улар билан биргаликда юбилей экспозициясини кўздан кечиради.

Делегация аъзолари Коммунистик партия ва Совет давлатининг асосчиси Владимир Ильич Ленин хотирасини ҳурмат билан эслагани Қизил майдонга келиб доҳий мавзолейига гулчамбар қўядилар. Кремль девори ёнидаги Номаълум солдат қабрига гулчамбар қўйилади.

Республика олимлари ва мутахассислари москвалик ҳамкасблари билан бирга учрашадилар. Ижодий союзларнинг вакиллари пойтахтнинг адабиёт ва санъат арбобларига ўз ижодий режалари ҳақида гапириб берадилар. «Тошкент» кинотеатрида ўзбек фильмлари фестивали очилади. Москваликлар ва пойтахт меҳмонлари бу фильмларнинг илк томошабинлари бўладилар.

Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг марказий павильони олдидаги майдонда москваликлар бугун Ўзбекистон вакилларини анъанавий нон-туз, гуллар билан шодиёна кутиб олдилар.

Делегация аъзолари В. И. Ленин ҳайкали пойига гуллар қўядилар.

Ўзбекистон кунлари очилишига бағишланган митингда Люблино район партия комитетининг секретари Е. В. Вольдемарова, Биринчи соат заводининг сайқалчиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. Л. Евстигнеев, СССР халқ хўжалиги ютуқлари виставкаси директорининг ўринбосари А. В. Бартковская республика вакилларига табрик сўзлари айтдилар.

Ўзбекистон ССР делегациясининг раҳбари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари М. Ҳ. Холмуҳамедов жавоб нутқи сўзлади.

Анъанага кўра делегация аъзолари виставканинг марказий ҳиёбонларидан бирига кўм-кўк арча ўтқазиб, СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида бундан аввал кунлари ўтган иттифоқдош республикаларнинг делегациялари ўтқазган кўчатлар ёнида шу тахлитда жонли «дастхат» қолдирдилар.

Шундан сўнг делегация аъзолари виставканинг «Мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш» мавзуидаги янги экспозициясини кўриб чиқдилар.

Кечқурун СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида Ўзбекистон ССР кунлари очилишига бағишланган матбуот конференцияси бўлиб ўтди.

Ёнғоқ ҳосилини йиғиб-териб олишда ҳашарчилар ҳам фаол иштирок этмоқда. Ҳозирги кунда 1 минг 200 тонна ёнғоқ ҳосили йиғиб олинди. Ҳашарчилар ёрдамида 1 минг 500 тонна ёнғоқ ҳосили йиғиб олинади.

Ҳашарчилар ёрдамида Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида ташкил этилган «Ўзбекистон — Ватанимиз гулистони» павильонини ҳам ҳашарчилар безашга ёрдам беришмоқда



Минг бир касб

СОЗЛОВЧИ

Алик электролабораторияга бироз ҳаяжон билан қадам қўйди. Турли асбоб-ускуналар қалашиб ётган торгина хона тинч ва осойишта эди. Бир қарашданоқ бу ерда ягона меҳнат интизоми қарор топганлиги сезилиб турарди. Четдан кузатган одам лабораторияда рақамли программа билан бошқариладиган станокларнинг ремонт қилинишига унчалик ишонқирамасди. Оддийгина созловчилик ускуналарининг тартиб билан териб қўйилганлигидан хона чоғроққина устахонага ўхшаб кетарди. Радиоаппаратурани қайта чиғириқдан ўтказаётган баланд бўйли ўрта яшар киши Аликни қарши олди.

— Қани ука, анави симни узатиб юборчи, — деди у. — Яхши, энди манави мурвватни қотириб қўй. Ишлашимга халақит беряпти.

Алик устанинг айтганидай қилди. Сўнг ишдан чиққан лампани аниқлаб, механизмни қайта созлашда унга ёрдамлашиб юборди.

— Қўлинг енгилгина экан, —деди уста севинчини яшира олмай ёш ишчига разм соларкан. — Кеча Юрий айтган йигит сенмисан.

— Ҳа, — Алик ютиниб қўйди.

— Жуда соз, — гапида давом этди уста. — Лаборатория бошлиғи ҳозир пресслаш цехидаги махсус қурилмани ремонт қиляпти. Хоҳласанг у ергача сени кузатиб қўйишим мумкин.

Уста Аликнинг жавобини ҳам кутиб ўтирмай эшик томон юрди. Ёш ишчи унинг орқасидан эргашар экан, ўзининг келишини бу ердаги созловчилар сабрсизлик билан кутаётганлигини қалбан ҳис этиб, қувониб кетди.

Лаборатория бошлиғи Юрий Николаевич тиғиз ишлар билан банд эди. Икковлон унинг бўшашини кутиб бироз туриб қолишди. Аммо у ҳадеганда ишдан бош кўтарай демасди.

— Юра, қара кимни олиб келдим, — деди уста охири сабри чидамай.

Электролаборатория бошлиғи бир зум ишдан чалғиди. Бошини хиёл кўтардида рўпарасида турган ёш ишчига кўзи тушиб қувониб кетди.

— Яшавор азамат, — деди у кутилмаганда Алик томон илдам қадам ташлаб. — Узиям ўйлаганимиздек бўлиб чиқди. Хўш, бизга қандай хизмат бор?

Илиқ кўришишдан сўнг Алик ҳамма ишлари жойидалигини, бугундан ишга тушганлигини айтиб лаборатория бошлиғини тинчлантирди.

— Майли, бугун корхонамиз фаолияти, созловчилар иши билан яқиндан танишиб ол, — деди Юрий Николаевич Сафонов унга йўлйўриқ кўрсатиб. — Аммо ўша айтган гапларим зинҳор ёдингдан кўтарилмасин. Коллективимиз аъзолари бир оила фарзандларига ўхшашади. Сен ҳам уларга муносиб бўлишинг шарт.

Юрий Сафоновнинг куюнганича бор экан. Алик ишга тушиб кетдию, бўш вақт нималигини ҳам унутиб юборди. Корхонадаги қайноқ меҳнат жараёни унинг назарида бирдан созловчилар ишига боғлиқдек эди. Агар улар бир зум хотиржамликка берилишса, бутун бир йирик участкадаги иш тўхтаб қолаётганга ўхшаб кетарди. Айниқса замонавий техника муаммолари кўпчилик қатори уларга ҳам тиним бермасди. Рақамли программа билан бошқариладиган станокларни ишлатишда операторлардан алоҳида куч ва ғайрат талаб этилади. Аммо цехлардаги ишчиларнинг аксарияти бундай имкониятга эга эмас. Шунинг учун ҳам иш жараёнида кутилмаган муаммолар уларнинг олдида кўндаланг бўлиб қолаверади. Айниқса, серунум дастгоҳларнинг тез-тез бузилиши ўз эгаларини ноқулай аҳволга солиб қўяди. Ана шундай вазнятда эса электролаборатория созловчилари уларга ёрдамга етиб келишади. Дастгоҳдаги носозликни аниқлаб, унинг қулай ишлатилиши учун куч-ғайратларини аяшмайди.

Алик Жеферов коллективга тез «сингиб» кетди. Бу қрим-татар йигит билими, маҳоратини ишга солиб, моҳир созловчи бўлди. Бунинг эвазига йиллар ўтган сайин замонавий техникадаги мураккаб механизмларни ҳам бир ўзи бемалол созлай оладиган юқори малакали ишчи даражасига кўтарилди.

— Ҳозирги кунда Алик Жеферов коллективимиз фахрига айланган, — дейди созловчи Олег Сатторов. — Унинг қўлидан келмайдиган ишнинг ўзи йўқ. Энг муҳими эса Алик ютуқлардан қаноатланмайди. Ҳар бир нарсага танқидий кўз билан қарайди. Доимо изланиб, маҳоратини ошириш учун тинмай-тинчимайди. Бугунги кун ишчисига хос шундай ажойиб фазилатларни унда коллективимизнинг ўзи қарор топтирди.

Дарҳақиқат, «Ташхимсельмаш» заводининг рақамли программа билан бошқариладиган станокларни созловчи электролабораториянинг кечаги ёш ишчиси Алик Жеферов бугунги кунда коллективнинг тўлақонли аъзоси ҳисобланади. Коллективга беш созловчи уюшган. Уларнинг ҳар бири юқори маҳорат эгаси. Шу боисдан ҳам созловчилар етти киши бажариши лозим бўлган ишни бемалол уддалашмоқда. Бу ишларни адо этишга олтинчи разрядли созловчи Алик Жеферов ҳам салмоқли улуш қўшаяпти. Кўпчилик ишонч билан ҳар бир ишни унинг зиммасига юклашга ўрганишган. Чунки Алик Жеферов дўстлари гапини «ерда қолдирмайди». Улар кутганидан зиёда қилиб, ҳар бир ишни пухта ва соз уддалайди. Чунки у чинакам ишчи ойласига мансуб. Ҳар бир ҳаракатининг натижалари нимага олиб келишини яхши бидади. Яхши ишлаш қунт ва қатъият билан меҳнат қилишга боғлиқ эканлигини тўла ҳис қилади.

Яқинда электролаборатория коллективи созловчи Олег Сатторовнинг туғилган кунини нишонлади. Бу кун коллектив аъзолари учун чинакам байрамга айланиб кетди. Катта лабораториянинг кичик коллективи сменадан сўнг мўъжазгина безатилган дастурхон атрофига жамланди. Заводдаги айрим инженер-техник ходимлар ҳам бу файзли даврага таклиф этилди. Анча вақт ўйин-кулги, касбдошлар гурунги қизигандан қизиди. Айниқса, Олег Сатторовнинг яқин дўсти Аликнинг шу кунги қувончлари ниҳоя билмасди. Икки оғайнининг бирга ишлаётганига ҳам беш йилдан ошди. Аммо тариҳан шу қисқа кунда Алик учун ўзига хос ҳаёт мактаби бўлди. Заводда рақамли программа билан бошқариладиган юқори қувватли шундай қурилмалар ҳам бор эдики, уларни созлашда Алик анча қийналарди. Шундай кезларда Олегнинг беминнат кўмаги ва маслаҳати унга қўл келар, икковлон биргалашиб носозликни бартараф этишарди. Йигирма беш ёшга тўлган дўстининг туғилган кунини эсда қоладиган бўлиши учун Аликнинг касбдошлари билан ҳамкорликда тайёрлаган шу сирли давраси Олегга ажойиб совға бўлди. Бу тантана коллектив созловчилари ўртасида янгича меҳнат анъаналари юзага келаётганлигини ҳам кўрсатиб турарди...

Айни кунларда аҳил коллектив созловчилари мамлакатимиз халқлари ҳаётидаги муҳим сана — Улуғ Октябрнинг шонли 70 йиллик юбилейини меҳнатда муносиб совғалар билан кутиб олиш учун зарбдорчасига ишламоқдалар. Бунинг эвазига «Ташхимсельмаш» заводидаги ремонталаб техникага қайта умр бахш этилаётир. Рақамли программа билан бошқариладиган станокларнинг бузилган қисми ишга тез ва пухта шай этилмоқда.

— Заводимиздаги ишлаб чиқариш ускуналари қанчалик юқори унум билан ишлатилса, биз шунчалик мамнун бўламиз, — дейди биз билан суҳбатда созловчи Олег Жеферов. — Чунки бунинг эвазига корхонамиз коллективининг юбилей шарафига олган мажбурияти пухта адо этиб борилади. Қолаверса, меҳнат унумдорлигини ошириш ва иш сифатини яхшилаш борасида қувончли натижаларга эришилади. Шундай экан биз ишга яроқли этиб бераётган замонавий техника жиҳозлари уларнинг «қаноти»га айланиши шубҳасиз.

Юқори малакали созловчи Алик Жеферовнинг келгусидаги режалари катта. Тошкент радиомеханика техникумини тугаллаган бу моҳир ишчи келгусида алоқа институтида ўқиш учун тайёргарлик кўрмоқда. Бу эса унинг ўз соҳасини янада чуқурроқ эгаллаб, келгусида коллектив меҳнатчиларининг ютуқларини янада салмоқли бўлиши учун ўз куч-ғайратини аямаслигини кўрсатиб турибди.

Р. АҲМАДАЛИЕВ.



Тошкент асбобсозлик ишлаб чиқариш бирлашмасида турли миллат вакиллари бир оила фарзандларидек, аҳил-иноқ бўлиб меҳнат қилиб келмоқдалар. Улар Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги шарафига социалистик мусобақани янада қизитиб юбордилар. Сентябрь ойи меҳнат беллашувида коммунист Н. Нишонов бригадаси биринчи ўринни эгаллади.

СУРАТДА: ана шу бригада аъзолари.

Р. Шарипов фотоси.

Жамият ва қонун

Меҳнатсиз даромадларга—йўқ йўқ

ТАШМАЧИЛАР

КПСС Марказий Комитетининг «Меҳнатсиз даромадларга қарши курашни кучайтириш тадбирлари тўғрисида»ги қарорида таъкидланганидек, «Иш шундай йўлга қўйилсинки, пораҳўрлар, давлат бойлигини таловчилар, таъмагирлар, ташмачилар ҳамда жамият ҳисобига бойлик орттиришга ружу қилган бошқа кимсалар ялпи нафратга дучор этилсин, улар ўз қилмишлари учун муқаррар жазолаништларини билсинлар». Хўш, бу борада Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармаси муассасадан ташқари соқчилик бошқармасининг хизматчилари қандай ишларни амалга оширишяпти? Яқинда штатсиз мухбиримиз ана шу бошқармада бўлиб унинг катта инспектори, милиция капитани Шораҳим Расулов билан шу хусусда суҳбатлашди.

— Бошқармамиз хизматчилари кенг жамоатчилик кучига таяниб давлат мулкини талон-тарож қилувчиларга қарши кескин кураш олиб бормоқда. Шу йилнинг ўтган 8 ойи мобайнида милиция ходимлари томонидан 2 минг 47 та майда ўғриликнинг олди олиниб, ташмачилардан 22 минг 225 сўмлик турли хил маҳсулотлар тортиб олиниб давлатга қайтарилди. Жамоатчилик мулкига кўз олайтирганлар жиноий жавобгарликка тортилиб, уларнинг устидан жиноий иш қўзғатилди.

Майда ўғирликлар айниқса «Ташкентхлеб» ишлаб чиқариш бирлашмасида, упаэлик фабрикасида, «Ўрток» кондитер фабрикасида, Ж. Обидова номидаги тамаки фабрикасида, ёг-мой комбинатида, «Ташкентпиво», «Ташхладокомбинат» ҳамда Тошкент сут ишлаб чиқариш бирлашмасида кўплаб содир бўлмоқда. Жумладан, Тошкент ёг-мой комбинатида 1986 йилнинг 8 ойи мобайнида 8 ташмачи ушланиб, улардан 68 сўм 20 тийинлик маҳсулот қайтариб олинган бўлса, шу йилнинг ўтган даври мобайнида эса 48 киши ушланиб, улардан 908 сўм 80 тийинлик маҳсулотлар тортиб олиниб давлатга қайтарилди.

Комбинат ишчиси Раиса Ивановна Ермичева 14 март куни 10 килограмм пахта ёғи ўғирламоқчи бўлганда милиция ходимлари томонидан ушланди ҳамда район халқ суди бу ишни кўриб чиқиб, Ермичевага 40 сўм жарима солди. «Узпишчепром» автобазасининг ҳайдовчиси Рафиқ Кончурин эса 11 июль куни 20 килограмм пахта ёғини ўғирламоқчи бўлганда қўлга туширилди ва халқ суди томонидан унга 100 сўм жарима солинди. Комбинатнинг аппаратчиси Ҳабиб Маматалиев ташмачиликда ҳаммадан ўтиб тушди. У 28 июль куни 200 килограмм пахта ёғи ва 20 килограмм лимон кислотасини ўғирлаб чиқиб кетаётганда милиция ходимлари томонидан тўхтатилди. Маматалиев жиноий жавобгарликка тортилди.

Упа-элик фабрикасида ҳам аҳвол бундан яхши эмас. Фактлар бу ерда ташмачилар сони тобора кўпайиб бораётганлигини кўрсатяпти. Шу йилнинг ўтган даври мобайнида 54 ташмачи фабрика остонасида тўхтатилиб, улардан 793 сўм 3 тийинлик давлат мулки қайтариб олинди.

3-мева-сабзавот комбинатида ҳам ташмачилар сони ўтган йилга нисбатан икки марта ўсди. Комбинат ишчиси Шуҳрат Усмонов 40 килограмм картошкани, Тошбуви Раҳимжонова эса 10 килограмм олмани ўғирлаб чиқиб кетишаётганда шармандалари чиқди. «Союзторгоборудование» ишчиси Хайрулла Сулаймонов эса 40 килограмм картошкани «туя» қилмоқчи бўлганда милиция ходимлари томонидан ушланди.

Шу ўринда савол туғилади: ташмачиларга наҳотки улар меҳнат қилаётган коллективларда кураш олиб борилмайди. Жавоб ҳам аниқ: ҳақиқатан ҳам назорат бўш, маҳсулотлар ҳисоби аниқ юритилмайди, тайёр маҳсулотлар назорати суст олиб борилади. Шунингдек, юқоридаги корхоналарнинг раҳбарлари партия ва ҳукуматимизнинг «Меҳнатсиз даромадларга қарши кураш тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан яхшироқ танишмаганга ўхшайдилар.

«Ташхладокомбинат»да эса ҳатто уларни мукофотлаб ҳам туришади. Жумладан, майда ўғирлик устида 1986 йилда қўлга тушган Каримова ва Гончароваларга йил якуни бўйича пул мукофотлари берилган. Шунингдек, Абдуллаева, Абдуғаффорова, Семенова, Алимова каби ташмачилар ҳам йил охирида тақдирланганлар. Бундай мисолларни бошқа корхоналардан ҳам келтириш мумкин.

Давлат мулкини кўз қорачиғидек асраш ҳар бир виждонли кишининг асосий ишига айланиши керак. Шундагина меҳнатсиз даромад кўраётганларнинг — ташмачиларнинг пайи қирқилади.

И. ФАТТОҲОВ.

«САЙЁР» ГУЛЧИЛАР

Гул — ҳаёт ва қувонч, ҳаббат ва гўзаллик рамзи. Аммо меҳнат қилмасдан, ноқонуний иш қидириб ўрганган баъзи кимсалар ана шу гўзал рамзини бошқа шаҳарларда олиб бориб ошириқлиқ нархларда сотиб, даромад орттирадилар. Ана шундай кимсалардан бири — бор-йўғи саккиз синф маълумоти бўлишига қарамай, пул санашда кўпчиликнинг бир чўқишда кочкарадиган «сайёр» савдогар Ёқут Сайлимовадир. У шаҳримиздаги Тимирязев кўчаси, 80-уйда истиқомат қилади. Бу аёл ҳеч қаерда ишламасдан тижорат топшириқ ружу қўйган. Сўнгги бозоридаги сара гулларидан 270 донасини арзон нархда сотиб олиб, ўзининг «кўпёлар» гулхонасидан 530 дона атиргулини узиб, жами 800 дона «оҳорн» тўкилмаган гулни иккита чамадонга тахлаб машинаквага отланди. У 668-рақамли билан Тошкент — Москва бўйлаб учадиган самолётга тезгина билет топиб, аэропортга келди. Аммо, Ёқут чучваранни хом санаган экан. Кўзларн олазарак бўлиб, йўловчилар рўйхатидан ўтаётган пайтда милиция ходимлари томонидан ушланди.

Меҳнатсиз даромад йўлларини орасида тоғини урса тошкон қиладиган забардаст аёлгитларини учратганингиз, уларнинг афти-ангорига қараб, юлдузни бенарвон тушган деганлардан экан, деган ўй келасан. Наманган область ички ишлар бошқармасининг Янгиқўрғон районидаги Нанай қишлоғида истиқомат қилувчи Илҳом Назарқулов ёшга кирган бўлишига қарамасдан, юлдузни бенарвон тушган урадиганлардан чиқиб олди. У Челябинск шаҳрида «Ракета»га кетаётиб, «йўл харажатк» учун деб Олой бозоридан 425 дона лола харид қилди ва 8088-рейс билан Тошкентдан тўғри Челябинскка учмоқчи бўлди. Аммо унинг учишини ҳушёр милиция ходимлари тўхтатишди.

Фойдали меҳнатдан бўш вақтларда, меҳнатсиз даромад билан пул топаётганлар шуни унутмасинларки, қанчик яширмасин, қирқ йилдан кейин ҳам очилади. Шунинг учун ҳалол ишлаб меҳнат билан пул топилса, ҳаётда яшалади.

Қ. ЯЎЛЧИЕВ.
Сергели район халқ суди

Саёқ юрган—таёқ ейди

Қилмишига яраша

Гулнора Ёқубовна Ёқубова Ҳамза кўчаси 15 ва 96-уйларда истиқомат қилувчи Нафиса Сайрамова ва Дурдона Азизовалар эди. «Ҳужум»га шай бўлиб туришган икки ҳамтовоқ қизлар томон мотоциклни аста-секин юргазиб боришди. Яқин етганда орқа ўриндиқда ўтирган Миша Нафисанинг қўлидаги сумкани ушладию, юлқиб тортди. Нима бўлаётганлигини икки дугона англаб етгунларича иккинчи кучли силтов Нафисани ерга қулатди. Сумка қўлдан чиқди.

Рулда ўтирган Рустам «ўлжа»қўлга тушганлигини кўргач, тезликни оширди. Лекин безориларнинг ҳаракатини узоқдан кузатиб келаётган Собир Раҳимов район ички ишлар бўлимининг ходими Б. Ҳамидов вақтни ўтказмай ўз машинасида безорилар кетидан қувди. Таъқиб қилинаётганларини сезган Рустам шошиб қолди. Мотоциклни қаёққа буришни билмас, Ҳамидов машина билан тобора йўлга тушиб, мўлжалдаги сумкани улоқтириди-ю, мотоциклдан сакраб тушиб қоронғуликка ғойиб бўлди. «Дўстимни қўён» бўлиб қолганини кўрган Рустам нима қиларини билмай йўлга кўндаланг келиб тўхтаган Б. Ҳамидовнинг машинасига зарб билан урилиб тўхтади.

«Кўза кунда эмас, кунда синади», деганларидек шу куни бир-бирига нуқта қўйилди. Кўп ўтмай икки йўлтўсар Октябрь район ички ишлар бўлимига келтирилди. Ўғирланган сумка ичидан жами 105 сўмлик турли буюмлар чиқди. Буларнинг ҳаммаси эгасига тўлиқ қолда қайтарилди. Безориларнинг чўнтаклари тинтув қилинганда 0,2 грамм наркотик модда топилди. Терговдан вақтида уларнинг кўпдан спиртли ичимликка ружу қўйганлиги, гиёҳвандлик қилишлари ҳам маълум бўлди. Ўқиш ва фойдали меҳнатдан қочиб, ишсизлик ва гиёҳвандликка ружу қўйган, оқибатда жиноятчи бўлиб қолишга сабабчи бўлган бу икки ўспиринларнинг бошларини тошга тегиб, кўзларини ошкора очилди. Лекин адлиячон ишлар ўтиб, ғалвир суврдан кўтарилган эди. Октябрь район халқ суди уларнинг қилмишларини яраша жазо берди: уларнинг ҳар бири 3 йил муддат билан озодликдан маҳрум этилди.

«Қилмиш-қидирмиш» деганларини шуни айтадиларда.

Р. АКБАРАЛИЕВ.

Дунё хабарлари

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

«УЛУҒ ОКТЯБРЬ КУНЛАРИ»

● ПАРИЖ. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маориф, фан ва маданият масалалари билан шуғулланувчи ташкилоти (ЮНЕСКО)нинг Париждаги қароргоҳида «Улуғ Октябрь кунлари» тантанали равишда очилди. Ана шу кунлар бу ерда кенг нишонланадиган Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигига бағишланган. Кунлар давомида жаҳонда биринчи социалистик давлатнинг тарихи, ҳозирги вақтда советлар мамлакатида содир бўлаётган жуда катта ўзгаришлар тўғрисида тасаввур берувчи фотовиставка ташкил этилган. Қароргоҳ биносида совет китоблари кўргазмаси ҳам очилди. Кўргазмада ижтимоий-сиёсий адабиёт, совет ёзувчиларининг асарлари қўйилган.

БМТда МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

● НЬЮ-ЙОРК. БМТ Бош Ассамблеясининг 42-сессиясидаги Совет делегацияси бугун жаҳонда биринчи Ер сунъий йўлдоши учирилганлигининг 30 йиллигига бағишланган матбуот конференцияси ўтказди.

Космик фазо ўзлаштирила бошланганига ўттиз йил тўлган бир пайтда ўтаётган БМТ Бош Ассамблеясининг ҳозирги сессияси космик фазони халқаро кўламда ўзлаштиришга доир ўзининг муҳим қарорларини тасдиқлаши ва ривожлантириши, тинч космосни таъминлашда бир босқич бўлиб қолиши мумкин бўлур эди, деди СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари В. Ф. Петровский. Сессия космосда қуролланиш пойгасининг олдини олиш ва уни тинч ўзлаштириш масалаларида сафсатабозликдан шу масалаларни амалий равишда ҳал этишга ўтишда қудратли омил бағишлашини кутаяпмиз.

ЎЗБЕКИСТОН ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ВИЗИТИ

ТРИПОЛИ. Тошкент шаҳар ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари Э. А. Ризаев бошчилигидаги Ўзбекистон ССР жамоатчилиги делегацияси Триполида ўтказиладиган Тошкент кунларида қатнашиш учун Ливия жамаҳирияси пойтахтига келди.

Триполи халқаро аэропортида делегацияни Ливия пойтахти ҳокими Халил Ад-Дуббар, шаҳар маҳкамасининг вакиллари кутиб олдилар.

Халил Ад-Дуббар ТАСС мухбири билан суҳбатда иккала мамлакат ўртасидаги визитлар бир-биримизни яхшироқ билиб олиш учун дуруст имконият беради, деди.

Триполи билан Тошкент — биродарлашган шаҳарлар. Уларнинг биродарлашуви тўғрисидаги битим 1981 йилда имзоланган эди. Ўша пайтдан буён икки томонлама мулоқотлар сезиларли равишда кучайиб, Ливия билан Совет Ўзбекистони пойтахтлари ўртасидаги кўп томонлама алоқалар ривожланди. Триполида бошланган Тошкент кунлари бунинг далилидир.

ТЕЛЕТАЙП

НЬЮ-ЙОРК. АҚШ ҳукумати ва унинг иттифоқчилари мамлакатимизнинг ишларига қуролли аралашувни тўхтатгандагина Афғонистонда миллий яраш бўлиши ва совет қўшинларининг чекланган қисмлари ватанига қайтиб бориши мумкин, деди Афғонистон Халқ Демократик партиясининг Бош секретари Нажибулла «Ньюсуик» ҳафтаномасининг мухбири билан қилган суҳбатида.

ЛЕНТАСИДАН

ЛОНДОН. Буюк Британия урушга қарши ҳаракатининг таниқли арбоби, ядровий қуролсизланиш учун курашувчи миллий кампания президенти Пол Жонсни Англия маъмурлари ўтган якшанба куни Британия армиясининг катта ҳарбий омборларидан бири жойлашган Келведон-Хэтч аҳоли пунктига яқинида қамоққа олдилар.



Минглаб жанубий африкалик шахтёрлар иш ташлаш ўтказишмоқда. Бу иш ташлаш мамлакат тарихидаги энг йирик воқеа бўлиб қолса ажаб эмас. Иш ташлашда 46 олтин қазиш ҳавзаси ва кўмир шахталарининг ишчилари қатнашмоқда. Тахмин қилишларича бу тадбирларда кончилар Миллий Союзининг 200 мингдан знёд аъзоси иштирок этади. Уларнинг талаби — иш ҳақини кўпайтириш, меҳнатни муҳофаза қилиш шароитини яхшилаш, ишлаб чиқаришда ирқчиликка барҳам бериш дир. «Биз ўз мақсадимизга эришмагунимизча, агар бунга бир неча ой кетса ҳам, забастовкани тўхтатмаймиз, — деди митингда сўзга чиққан кончилар Миллий Союзининг президенти Жеймс Мотлатси.

Рейтер — ТАСС фотоси.

ТОМОШАБИНЛАР УЧУН

1990 йилда Италияда бўлиб ўтадиган футбол бўйича жаҳон чемпионати олдидан мамлакатда тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Италия ҳукумати мамлакатнинг бош майдони — Римдаги «Форо Италико» стадионини қайта қуриш ҳақида қарор қабул қилди.

Ҳозирги вақтда бу майдонга 57 минг 500 томошабин сиғиши мумкин. Мутахассисларнинг таъкидлашларича, бу билан чемпионатга тайёргарлик тўла якунланди, деб бўлмайди. Ҳисоб-китобларга кўра, «Форо Италико» қайта қурилгач, унга 85 минг киши сиғиши мумкин. Томошабинларга ажратилган бу ўринларнинг ҳаммаси махсус соябонлар остида бўлади.

Стадионнинг қайта қурилишига 80 миллиард италян лири кетар экан.

ДЕНГИЗДАГИ ҲАЛОКАТ

Доминикан республикасидан қочиб Пуэрто-Рико оролига етиб бормоқчи бўлган юзта қочоқларнинг ҳаёти хавф остида қолди.

Уларнинг кемалари чўкиб кетган, Рейтер агентлигининг хабарига кўра, қирғоққа сузиб чиқмоқчи бўлган кишилар акулалар ҳамласига дуч келишган. Шу яқин атрофда ов қилаётган балиқчилар бир йўғи 23 акулнинг ҳаётини сақлаб қолишга ултурган. Бу воқеани кўрган балиқчиларнинг айтишларича, ҳалокат бўлиб қолган жойда қочоқлар тўдасининг еяётган акулалар жуда кўп миқдорда бўлишган экан.

ТЕЛЕВИЗОР ОЛИШ УЧУН

Эндиликда Банглалдешнинг 500 та қалампир ўлдирган ҳар бир аҳоли сиз бепул оқ-қора телевизор олиши мумкин.

Бу мажбурий кўрилаётган чорадир. Ҳисоб-китобларга қараганда ана шу миқдорда қалампирувчилар ҳар йили 1,4 миллион тонна асосий озиқ-овқат маҳсулоти — гуручни нобуд қилиш экан. Шунинг учун уларга қарши шафқатсиз кураш эълон қилинибди. Тўғри, бундан аввал кўрилган барча чоралар натижа берган эди, деб хабар қилган Болгариянинг «Кооперативно село» газетаси.

1917 1987

Улар биринчи эди

Ўзбек қизи овози



Ҳалима Носирова. Бу номни бугун ким билмайди дейсиз... У нафақат республикамизда ва мамлакатимизда, балки қатор хорижий юртларда ҳам яхши маълум. У улкан санъаткор, озодлик жарчиси, янги ҳаёт куйчиси, «Ҳужум»нинг фаол қатнашчиси, неча-неча ўзбек хотин-қизларининг орзуси ва бахт-саодати намунаси; ижилоб тонгидан бахра олиб, саҳнага первоз этган дастлабки артистларимиздан бири, булбул овозли хонанда...

Ҳалима Носирова 1913 йилда Қўқон яқинидаги қишлоқда туғилди, отадан эрта етим қолди, ночорлик онаси Хосият опани ўз фарзандлари билан Қўқонга кўчиб кетишга мажбур этди.

Ҳалима болалар уйида ўсди, совет мактабида тарбияланди. Ўша кезларда Қўқонда Ҳамза ташкил этган ижодий труппанинг довруғи кенг тарқалди, унинг концертларини, намойиш этган саҳна асарларини Ҳалима завқ-шавқ билан томоша қиларди. Инқилобчи шоир ва отаташнафас драматургнинг ёркин сиймоси бўлғуси актриса хотирасида абадий сақланиб қолди. Тақдирни қарангки, йиллар ўтгач Ҳалима Носирова саҳнада, Ҳамза ҳаёти ва ижодига бағишланган операда ўз устози билан яна учрашди, бу сафар эса спектаклдаги Саодат ролида.

1922 йил Ҳалима Носирова хотирасидан сира ўчмайдиган йиллардан бири бўлиб қолди. Мана шу йили у Тошкентдаги хотин-қизлар билим юртига ўқишга қабул этилди. Бу ерда таниқли санъаткор Али Ардобуф бадиий ҳаваскорлик тўгарагига раҳбарлик қиларди. Ҳалима ҳам ўз дугоналари Шоҳида Маъзумова, Назира Алиевалар (келгусида улар Ўзбекистон ССР халқ артисти бўлиб етишдилар) билан бу тўгаракка қатнай бошлади. Ғулом Зафарийнинг «Эрк болалари» деб номланган саҳна асарида ҳам иштирок этди.

Октябрь шарофати билан майдонга келган ўзбек совет театри ўша пайтларда санъаткор кадрларга жуда муҳтож эди, мана шу сабабли бир қатор ёш истеъдодлар бадиий ўқув юртларида таҳсил кўрмоқ учун Москва, Боку республика ҳукумати йўлланмаси билан юборилдилар. Ҳалима 1925 йилда Боку театр билим юртига юборилганди, у ерда бўлғуси актриса профессор В. Слодкопевцева, М. Кермоншоҳли, Антон Маэльян, Шавкат Мемедовалар сингари моҳир педагоглар қўлида ўқиди ва Тошкентга қайтгач Жафар Жабборлининг «Ойдин»ида Гултекинни, Узаир Ҳожибековнинг «Аршин мол-олон»ида Гулчеҳрани бадиий баркамол этиб ўйнади, ўз истеъдоди билан санъатсеварлар диққат-эътиборини жалб этди.

У пайтларда ҳали республикада музикали театр ташкил этилмаганди, шу боисдан ҳозирги Ҳамза номли Академик театр ҳам драма, ҳам музикали асарларни саҳналаштирарди. Ҳалима Носирова бу театрда «Маликаи Турандот»да Адельма, «Ревизор»да Мария Антоновна, «Ҳалима»да Ҳалима, «Фарҳод ва Ширин»да Ширин образини яратди, ўзининг иқтидори, ёқимли ва ширали овози билан тезда эл оғзига тушди. Бу даврлар ўзига хос ажиб ва мураккаб эди, санъат-маданиятда ҳам янгилик куртак ёзмоқда эди, хотин-қизларни озод этиш ҳаракати авжидайди, Тамарахоним, Турсуной, Нурхон, Лутфихонимларнинг саҳнага чиқиши ўзига хос маънотонат ва катта жасорат эди. Янги ҳаёт учун эрк ва озодлик учун кураш қурбонсиз бўлмади, жоҳиллар, фанатиклар томонидан Нурхон, Турсуной, Адолатхон, Ваннайчахонлар ёвузларча ўлдирилди: халқ улар ҳақида қўшиқлар битди:

1930 йилда Ҳалима Носирова Москвада бўлиб ўтган биринчи СССР халқлари Олимпиадасида қатнашди ва ўз овози, ижрочилик маҳорати билан пойтахт санъатсеварларининг олқишини қозонди. Ўзбек театри намойиш қилган «Ҳалима», «Ўртоқлар» сингари саҳна асарлари томошабинлар эътиборини жалб этди.

Бундан ярим аср аввал, 1937 йилда Москвада биринчи бор ўзбек санъати декадаси бўлиб ўтди. Республика музикали театри мазкур декадада драматург Хуршиднинг «Фарҳод ва Ширин»ини (В. Успенский музикаси) ҳамда К. Яшин, М. Муҳамедовларнинг «Гулсара»сини (Т. Содиқов, Р. Глиэр музикалари) намойиш этиб, ниҳоятда катта муваффақият қозонди. Мазкур спектакллардаги етакчи ролларни Ҳалима Носирова, Қори-Ёқубов, Карим Зокиров, Боборахим Мирзаев, Лутфихоним Саримсоқовалар ижро этдилар.

Москва томошабинлари, мутахассислар ўзбекистонлик санъаткорлар яратган юксак бадиий асарларга катта баҳо бердилар. «Правда», «Известия», «Советская музика», «Вечерняя Москва», «Советское исскуство» газета ва журналларида мақола ва тақризлар эълон қилинди, «Правда» шундай деб ёзганди: **«Бугун ёш ўзбек хонандаси Ҳалима Носирова ўзининг ажойиб санъати билан бутун мамлакатга довруғ солди, совет музика театрининг чиройи ҳамда ифтихори бўлди».** Худди мана шу йили Ҳалимахоним ўлкада биринчи бўлиб, 24 ёшида «СССР халқ артисти» деган юксак фахрий унвонга сазовор бўлди.

Алишер Навоий номидаги Меҳнат Қизил Байроқ ордени Ўзбекистон ССР давлат Академик Катта театри... У ўз йўлини 20-йилларда театр труппалари томонидан саҳналаштирилган Узаир Ҳожибеков, Ҳамза, Хуршид, Ғулом Зафарий, Яшинларнинг музикали асарларидан, М. Қори Ёқубов раҳбарлигидаги этнографик ансамбль (1926 й.) ва 1929 йилда ташкил этилган музикали театрдан бошлаган; ўзбек опера санъати ўзининг туғилиши палласида қардош республикалар ва айниқса рус опера санъати тажрибасига таянди ва катта зафарларни қўлга киритди. Бу ҳам буюк Октябрь инқилобининг, интернационализм руҳи билан суғорилган ленинча миллий сиёсатимизнинг ажойиб самараларидан биридир. 1939 йилда ўзбек опера ва балет театри саҳнасида «Бўрон» (М. Ашрафий, С. Василенко, К. Яшин) операсининг кўрсатилиши республика маданий ҳаётида катта воқеа бўлди. Асарни таниқли режиссёр Э. Юнгвальд — Хилькевич раҳбарлигида С. Мухамедов, Р. Бобожонов саҳналаштирдилар. Спектаклдаги Норгул партиясини Ҳалима Носирова ижро этди. Яна бир дастлабки ўзбек операси «Лайли ва Мажнун»да (Т. Содиқов, Р. Глиэр, Хуршид) Ҳалимахоним Лайли образини яратди. Ўша пайтларда марказий ва республика газеталарида босилган тақризларда Норгул, Лайли образларига катта баҳо берилди.

Ҳ. Носирова Алишер Навоий номидаги Катта театр саҳнасида ажойиб роллар ижро этиб, қаҳрамонлар галереясини яратди. Булар «Ер — Торғин»даги Оқжунус, «Фарҳод ва Ширин»да Ширин, «Гулсара»даги Гулсара, «Ҳамза»даги Саодат, «Улуғбек»даги Син-Дун-Фан, «Улуғ канал»даги Нодира, «Тоҳир ва Зуҳра»даги Зуҳра, «Зайнаб ва Омон»даги Зайнаб, «Майсаранинг иши»даги Майсара, «Перикола»даги Перикола, «Хоразм қўшиғи»даги Баҳорлардир...

Ҳалимахонимдан — севимли ролингиз қайси деб сўрайдиган бўлсангиз—«Менинг саҳнадаги қаҳрамонларим гўё кўп болалик онанинг фарзандларидек, ахир қайси бир она у ёки бу фарзандим севиклироқ, дейди; она учун не-не машаққатлар билан вояга етказган болаларнинг барчаси севикли, ардоқли» — дея жавоб беради.

Ҳалима Носирова ўзбек опера санъатининг йирик ва тажрибакор намояндаси сифатида узоқ йиллардан бери ижодий изланишларда бўлиб келди. Унинг ноёб таланти ўзбек миллий ҳамда рус ижро услубларини нозик ва табиий уйғунлаштириш борасида ҳақиқий олтин кўприк ролини бажарди.

Ҳ. Носирова ўзбек классик қўшиқларини, халқ ашулаларининг ҳам билимдони ва моҳир ижрочиси. — «Бу борада менга, — дейди хонанда, — машҳур Тўйчи Ҳожи Абдулазиз, Домла Ҳалим Ибодов, Шораҳим Шоумаров, Уста Олим Комилов, Абдуқодир Исмоилов, Шерози Мадраҳимов, Юнус Ражабий, Тўхтасин Жалиловлар устозу, ҳамнафас бўлдилар».

Ҳалимахоним ижодидаги «Ўзбек қизининг овози», «Москва-Москва», «Меҳнат аҳли» каби ашулаларини эшитиб ғурурларга тўлади киши.

СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофотининг лауреати, Ленин, Октябрь революцияси, Меҳнат Қизил Байроқ, «Ҳурмат белгиси» орденларининг кавалери бўлди.

Биз бугун тинчликни, меҳнатни, дўстликни, тараққиётни баралла куйлаб, ўзининг жонбахш қўшиқлари билан ер куррасига байналминаллик белбоғини боғлаган Ҳалимахоним Носировани тарихий «Ҳужум» ҳаракатининг шонли 60 йиллиги, севимли артистканинг дастлаб профессионал саҳна санъатига қадам қўйганлигининг 60 йиллиги ҳамда «СССР халқ артисти» фахрий унвонига сазовор бўлганининг 50 йиллиги билан самимий табриклаймиз, унга сиҳат-саломатлик, узоқ умрлар тилаймиз.

Баҳриддин НАСРИДДИНОВ,
СССР Журналистлар союзи ҳамда СССР театр арбоблари союзининг аъзоси, театршунос.

Хатларга мутасадди раҳбарлар жавоби

№ 13 (123)

Масъулият ҳиссини оширайлик

Мени партия ташкилоти қабул қилган қарорларнинг бажарилиши ҳақида коммунистларга ахборот бериб туришнинг ҳамда коммунистларнинг ҳисоботларини тинглашнинг аҳамияти қизиқтиради. Шу ҳақда маълумот берсангиз.

А. Маҳмудов, хизматчи.

А. АБДУРАҲМОНОВ,
«Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг секретари.

— Партия XXVII съездида, КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумларида қарор ва унинг ижроси, Устав талабларини бажариш, партия ташкилоти, коммунистлар масъулиятини янада ошириш ҳақида муҳим йўл-йўриқлар берилди. Айниқса, КПСС Марказий Комитетининг «Партияга қабул қилиш ва партия сафларини мустаҳкамлаш борасида Тошкент область партия ташкилотининг ишидаги жиддий камчиликлар тўғрисида»ги қарори партия ташкилотлари, коммунистлар масъулиятини оширишда муҳим ҳужжат бўлиб ҳисобланади. Бунда коммунистларнинг авангардлик роли конкрет хулқ-атворида, амалий ишларида, ижтимоий бурчини ҳалол бажаришда намоён бўлишига қатъият билан эришиш, баъзи коммунистларнинг ножўя хатти-ҳаракатлари учун аввало бошланғич партия ташкилотининг жавобгарлигини ошириш, ҳамма соҳада талабчанликни кучайтириш вазифаси қўйилган.

Бундан келиб чиқиб, партия ички ахборотини партия ташкилотида пухта йўлга қўйиш қанчалик катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб ўтмоқчимиз. Бу — партия демократик турмушининг ажралмас қисмидир. Коммунистлар ўзлари учётда турган партия ташкилоти иши учун жон куйдирадилар, унинг ютуқларидан қувонадилар, камчиликларини кўрганда ташвишга тушадилар. Бинобарин, улар ўзларининг ижро органлари — партия ташкилоти бюроси қандай ишлаётгани, нималарни планлаштираётгани, қандай масалаларни йиғилишларда муҳокама қилишини, коммунистларнинг мулоҳазаларн ва таклифларни бўйича нималар қилинаётгани, партия ташкилотининг қарорлари қандай бажарилаётганини билишга ғоятда қизиқадилар. Бу ҳақда коммунистларга ахборот бериш қанчалик пухта ва оқилона ташкил этилган бўлса, партия ташкилотининг, партия бюроси, партком-нинг коллектив орган сифатидаги роли янада ошади, унинг ҳар бир аъзосига топширилган соҳа учун масъулият ҳисси кучаяди. Маълумки, партиямиз бу масалага ҳамиша муҳим аҳамият бериб келди ва келмоқда. Чунки ахборотлар бериб боришнинг пухта йўлга қўйилиши коммунистлар активлиги ва масъулиятини оширади, бутун бошланғич партия ташкилоти фаолиятига ижобий таъсир кўрсатади.

Партиявий иш — ижодий ишдир. Бунда қандайдир тайёр қоидалар, қолиплар йўқ. Айниқса, ҳозирги ишларни қайта қуриш ва жадаллаштириш даврида қандайдир инструкциялар, тайёр қолиплар кутиб ўтирмай, ишларни янада жонлантиришга ёрдам берадиган формаларни излаш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Коммунистларнинг ҳисоботларини тинглаш ҳар бир цех партия ташкилотида йўлга қўйилган. Масалан, коммунист ҳисоботи тингланганда бу бошқа коммунистларга ҳам тааллуқли бўлган проблемаларни ҳам кўтаришга ёрдам бермоғи керак. Мақсад уларда муҳим иш учун шахсий масъулиятни янада оширишдир.

Ўз навбатида партия бюроси ўз иши ҳақида вақтивақти билан партия йиғилишларида ахборотлар бериб боради. Секретарлар, бюро аъзолари, партия группаларининг ташкилотчилари коммунистлар билан суҳбатлар ўтказишади. Ахборот бериб туришнинг шундай — икки томонлама йўлга қўйилиши умумий ишга катта фойда келтиради. Коммунистлар томонидан бўлаётган контроль камчиликларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф қилишга ёрдам беради, танқид ва ўз-ўзини танқидни ривожлантиради.

Партия ташкилоти ахборот бериб туриш, ҳисоботларни тинглаш формасидан оқилона фойдаланиши керак, бу ишни қандайдир кампанияга, қуруқ мақсадга айлантириб қўймаслиги лозим. Масалан, гоҳида шундай ҳам бўладики, бирон цех партия ташкилотидаги коммунистларнинг деярли ҳаммасининг ҳисоботларини тинглаш планлаштириб қўйилади. Бу бизнингча унчалик тўғри эмас. Энг аввало интизомсиз, ҳамкасбларни ишига панд бераётган коммунистлар ҳисоботини тинглаш мақсадга мувофиқдир. Бу эса цехда интизомни мустаҳкамлаш учун барча коммунистлар масъулиятини анча оширишга ёрдам беради. Аксинча бу ишга кампаниячилик нуқтаи-назаридан ёндошиш эса ишга зарар етказиши мукин. Хуллас, бу борада тадбирларнинг сонига эмас, балки сифатига эътибор қаратилса чакки бўлмайди. Ана шунда унинг тарбиявий аҳамияти ошади, ишга юзаки эмас, ҳақиқий ёндошилгани сезилади.

Ишнинг кўзини билган цех партия ташкилотлари фақат партиявий бурчларини ёмон бажараётган коммунистларнигина эмас, балки партиявий бурчини қалтис адо этаётган, намуна кўрсатаётган коммунистларнинг ҳисоботларини ҳам тинглаб боради. Бу актив коммунистлар тажрибасини ёйишга ёрдам беради.

Ҳозирги пайтда, яъни партия сафларини мустаҳкамлаш, покланиш даврида партия таъсирини янада кучайтириш, коммунистларнинг ҳам, партия бюроси, партия ташкилотининг ҳам активлиги ва масъулиятини ошириш жуда катта аҳамиятга эгадир.

Шаҳар ободонлаштириш Бош бошқармаси, шаҳар давлат автомобиль инспекцияси ва «Тошкент оқшоми»нинг қўшма рейди

ШАҲАР КЎЧАЛАРИДАГИ ТАРТИБСИЗЛИКЛАР

Шаҳримиз кўчаларн транспорт қатнови ва йўловчилар билан ҳамиша гавжум. Айниқса эрта билан ишга кетаётганда ва кечки пайт ишдан қайтилган вақтда серқатнов чорраҳалардан ҳар минутда ўнлаб машина ва йўловчилар ўтади. Ана шу чорраҳа ва кўчаларнинг ҳамма ерида ҳам транспорт ва йўловчиларнинг қатнашн учун шароитлар етарлими? Бугунги қўшма рейдда ана шулар ҳақида сўз боради.

Биз Энгельс кўчаси билан Навоий кўчаси кесишган чорраҳадамиз. Бир ойдан ошдики, «Гордорстройремонт» трестининг К. Слесаренко бош бўлган 2-ремонт-қурилиш бошқармаси бригадаси транспорт қатновн учун қулайлик яратишмоқда.

— Арзимаган 60—80 метр йўлга гишт ётқизиш шунчалик қам чўзиладими, — деб сўраймиз қурувчилардан.

— Бу ишни тез тамомласак кейин нима қиламиз, —дейишди улар кулишиб.

Қурувчиларнинг қилаётган ишларига разм соламиз. Ишларидан дам олиб, чекишлари кўп.

Транспорт қатнови гавжум бўлган бу кўчада ишни икки ва уч сменада ташкил этиб, машиналар кам бўладиган вақтда тезлик билан ишлаш мумкин эмасми? Мумкин, аммо 2-ремонт-қурилиш бошқармаси раҳбарларининг локайдликлари туфайли арзимаган масофадаги ремонт ишлари чўзилиб ётибди.

Худди шунга ўхшаш объектлар. Усмон Юсупов кўчаси ва Ўзбекистон ССР 50 йиллиги проспекти кесишган жойда кўрдик. Трамвай-троллейбус бошқармасига қарашли А. Шошников бошчилик қилаётган ремонт-қурилиш бошқармаси ишчилари бу ердаги ишни чўзиб юборишди.

Ана, трамвай изига келиб тўхтаган «Запорожец» машинаси шағал ётқизилган чуқурчага тушиб чиқолмай қолди. Бир пасда машиналар тўпланди. «Запорожец»нни бир амаллаб чиқариб қўйишди. Агар бундай воқеа кечаси ярим тунда содир бўлгандачи? Унда машина шофери тонг отишини кутиб, ёрдам сўраган бўларди.

Ҳозир ҳамма ерда қайта қуриш ҳақида сўз бораётган бир вақтда нега энди трамвай-троллейбус бошқармаси ва «Гордорстройремонт» трестидагилар аҳоли манфаатини кўзлаб, ишларида қайта қуриш ҳақида ўйлашмаяпти. Ахир транспорт серқатнов бўлган кундузги вақтда ишлагандан кўра, тунда машиналар кам бўладиган пайтда ишлаш бу соҳа ишчиларига қулай-ку.

Шаҳримизнинг кўпчилик ерида иссиқлик иншоотн қувурларн ётқизилмоқда, эскиларн янгиси билан алмаштирилмоқда. Аммо баъзи бошқармалар айби билан объектларда бажарилаётган ишлар муддати чўзилмоқда. Ўзингиз ўйланг, узунлиги 200 метр бўлган масофага қувур ётқизиш учун қанча муддат керак. Агарда бир ойда кавланса, бир ойда ётқизилса, бир ойда кўмилса, узоғи билан уч ой вақт кетади. Аммо, «Таштрансспецстрой» трестига қарашли Л. Полянский бошлиқ 2-қурилиш бошқармаси ишчилари Муртазоев кўчасида бир йилдан бери бошланган 200 метр масофадаги ишни ниҳоясига етказишмади. Шунчалик ҳам лоқайдлик бўладими?

Фарҳод кўчасида «Ташинжстрой»нинг А. Ярановский бош инженерлик қилаётган 10-қурилиш бошқармаси шу йилнинг май ойидан бери иссиқлик иншоотини ётқизмоқда. Ҳозир бу кўчанинг деярли ярмисида транспорт қатнови бир томонлама йўлга қўйилган. Йўловчилар ва транспорт ҳайдовчилар серқатнов кўчадаги бу ремонт ишларини тезроқ тугаллаш ҳақида ўзларининг ҳақли эътирозларини билдиришмоқда. Аммо иш жуда секинлик билан олиб борилаётир.

Муқимий кўчасида эса бир йўла учта ташкилот —«Газмонтаж»нинг Г. Галовлев бошлиқ монтаж бошқармаси, «Ташинжстрой»нинг 7 ва 10-бошқармалари иш олиб боришмоқда. Иссиқлик трассаси капитал ремонтдан чиқарилмоқда. Минг афсуски, корхона ва ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлик ёки лан иш олиб бормасликлари оқибатида иш чўзилмоқда. Бунда асосий айбдор «Ташteплосеть» корхонаси ҳисобланади. Қурувчилар қувурлардан оқаётган иссиқ сувни тўхтатмасдан туриб, ишлашга мажбур бўлишмоқда.

Муртазоев кўчасида мана бир неча йилдирки, «Висотстрой»нинг 1-трестига қарашли Е. Коган бош инженерлик қилаётган 69-қурилиш бошқармаси маъмурий бино қурилишини олиб бормоқда. Қурилишга ўрнатилган юк кўтарадиган кран йўловчи ва транспортларга хавф туғдирганлиги учун кўчанинг бир томони вақтинча беркитиб қўйилган эди. Буни қарангки, ҳозир ана шу кран юк кўтарадиган ишларни бажариб бўлиб, олиб ташланди. Аммо кўча очилгани йўқ. Сабабини суриштирсак, кран ўрнида қурилиш бошқармаси омборхона қураётган экан.

Шаҳар кўчалари бўйлаб айланганимизда, узундан узоқ чуқурчалар қазилиб, ҳеч қандай иш олиб борилмаётган йўлкаларни яқиндагина ётқизилган асфальтлар чўкиб кетганлигининг гувоҳи бўлдик. «Союзтелефонстрой» трестининг ремонт-қурилиш бошқармасига қарашли бош инженер ёрдамчиси С. Захаров бошчилигидаги ишчилар Юнусобод массивидаги Теша Зоҳидов кўчасига телефон кабеллари ётқизишмоқда. Улар ҳаш-паш дегунча 800 метрни кавлаб ташлашди, Қонун-қоидага биноан телефон кабеллари ётқизилганда, ҳар икки қудуқ ўртасидаги масофа кавланиши ва бу ердаги ишлар ниҳоясига етказилгандан кейин бошқа икки қудуқ орасидаги ишлар бажарилиши керак эди. Минг афсуски, «Союзтелефонстрой» трестининг ҳамма қурилиш монтаж бошқармаларн шаҳримизнинг қаерида иш олиб боришларидан қатъий назар, олдин чуқурчаларни қазиб олиб, кейин секинлик билан ишга киришишади. Бундай тартибсизлик йўловчиларга қийинчилик туғдирмоқда.

«Водоканал» трестининг бош инженер Х. Мусаев бошчилик қилаётган ремонт-қурилиш бошқармаси Батуми кўчасида канализация ишларини олиб борди. Чуқурлар баланд-паст қилиб кўмилди, асфальт ётқизиш ишлари эса бажарилмади. Кези келганда шуни ҳам айтиб ўтайликки, бу трестнинг ремонт-қурилиш бошқармаси ишчиларн шаҳримизнинг кўпчилик ерида бошланган ишларни ниҳоясига етказмасдан, чала ташлаб кетишган.

Пролетар кўчасида «Ташинжстрой» трестининг Г. Арамбицкий бош инженерлик қилаётган 8-қурилиш бошқармаси водопровод қувурларн ётқизиш ишларини ниҳоятда сусткашлик билан, олти ой ичида бажаришди. Ишлар тугатилгач, кўчага асфальт ётқизиш ишида технология қоидалари бузилди. Натижада, кўчага ётқизилган асфальт чўкиб кетди.

Биз шаҳримизни айланганимизда унинг йигирмадан ортиқ ерида ана шундай воқеаларга дуч келдик. Баъзи қурилиш ва ташкилотлар айби билан транспорт қатнаши ва йўловчиларнинг юриши учун ноқулайликлар туғдирилмоқда. Белгиланган муддатда зиммага олинган вазифани бажармаслик оқибатида аллақачон фойдаланишга топширилиши лозим бўлган объектлар сустқашлик билан чўзилмоқда. Шаҳримиз кўчаларида рўй бераётган бундай тартибсизликлар асосан ишга лоқайдлик билан қараш, «бўлса-бўлар, бўлмаса ғовлаб кетар» қабилида иш кўраётган айрим корхона ва ташкилот раҳбарларининг масъулиятсизлиги оқибатида содир бўлмоқда. Бунга эса тезлик билан чек қўйиш керак.

Ғ. РУСТАМОВ,
шаҳар ободонлаштириш Бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари вазифасини бажарувчи.

Р. КНЯЗЬХОНОВ,
шаҳар давлат автомобиль инспекциясининг йўл назорати инженери, милиция катта лейтенанти.

Р. ФАЙЗУЛЛАЕВ,
«Тошкент оқшоми» мухбири.



«Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг қуюв цехи илғор назоратчи мастери Абдулҳай Қорнеевни кўпчилик ҳурмат қилади. Бунинг боиси бор, албатта. Унинг қўлида кўпгина ёшлар касб эгаллашган. Ҳозир улар шу корхонада самарали меҳнат қилишяпти. Мураббий А. Қорнеевнинг шу ерда ишлаётганига эса 37 йилдан ошди. Бу йиллар унинг учун ғоятда мазмунли бўлди. Коммунист сифатида у қайта қуриш ва жадаллаштириш ишида актив жонкуярлик кўрсатмоқда.
СУРАТДА: А. Қорнев.

М. Нуриддинов фотоси.

ШАШКАМИ, МАРҲАМАТ!

Мен шашкага жуда қизиқаман. Афсуски, биз яшаб турган жой атрофида — «Спартак» стадионида ва А. С. Пушкин номидаги маданият ва истироҳат боғида шашка спорти билан шуғулланишнинг имкони йўқ. Қаерда шуғулланиш мумкин?

Эътибор ЭШМУРОДОВА,
Форобий кўчаси, Мухокама проездидаги 4-уйда истиқомат қилувчи.

С. ИВЧЕНКО,
Собир Раҳимов район спорт комитетининг раиси.

— Ҳозир районимиздаги жуда кўп ташкилотларда шахмат-шашка секциялари ишлаб турибди. Жумладан, Собир Раҳимов номидаги маданият ва истироҳат боғида, Тошкент давлат университетининг спорт павильонида шашка секциялари бор.

А. С. Пушкин номли маданият ва истироҳат боғидаги спорт павильони шароит тақозоси билан вақтинча фаолиятини тўхтатган эди. Ҳозир бу ерда секция машғулотлари янгитдан бошланди. Газетхон Э. Эшмуродова боғ маъмуриятига мурожаат қилиб секцияга ёзилиши ва машғулотларда қатнашиши мумкин.

«Тошкент оқшоми»га жавоб берадилар

ЧОРА КЎРИЛДИ

Газетанинг шу йил 31 июль сонида босилган «Ёлғон ваъда» мақоласига шаҳар ободонлаштириш Бош бошқармасидан жавоб олинди. Ильич маҳалласи «Уроқ» тупиги территориясидаги чиқиндилар «Автодормехбаза» машиналари томонидан йиғиштириб кетилдиган бўлди.

* * *

Газетанинг шу йил 11 июль сонида босилган «Озодалик ўзимизга боғлиқ» мақоласига шаҳар ободонлаштириш Бош бошқармасидан жавоб олинди.

Жавобда айтилишича мақола ўз вақтида берилган. Ҳақиқатан ҳам бозор атрофидаги майдонларда ташкил этилган кўчма савдодан сўнг ҳар хил чиқиндилар қолдирилб кетилмоқда. Бунга барҳам бериш ниятида ҳар бир район ободонлаштириш бошқармаси бошлиқларининг эътиборн ана шу камчиликларни йўқотишга қаратилди. Санитария қондаларини бузаётганларга нисбатан қаттиқ чора кўриш вазифаси топширилди.

* * *

Газетанинг шу йил 12 август сонида «Ёзган хатингизни олдик» сарлавҳаси остида мақола босилган эди. Унда Кайковус каналининг Сағбон қисмида сув тошиб кетаётганлиги танқид қилинганди. Мақолага Собир Раҳимов район ободонлаштириш бошқармасидан жавоб олинди. Унда айтилишича камчиликлар бартараф этилган. Ирригация бўлимининг 6-мехтиосласштирилган бошқармаси ёрдами билан канал атрофи тозаланган.



СУРАТЛАРДА: Энгельс ва Навоий кўчаларн чорраҳасида олиб борилаётган қурилиш манзараси; Муртазоев кўчасидан транспортлар ана шундай ётак-чечак қилиб ўтишади.

Т. Каримов фотолари.

Шашка

БАҲС КЕСКИНЛАШМОҚДА

Тошкентдаги Округ офицерлар уйида халқаро шашка бўйича ўтказилаётган Бутуниттифоқ аёллар турнири ҳал қилувчи паллага кирди. Қатнашчилар белгиланган учрашувларнинг ярмини ўйнаб бўлишди.

Олтинчи турдан кейин маълум хулосалар чиқариш учун имкон вужудга келди. Аввало, учрашувлар ниҳоятда кескин ва муросасиз ўтаётганлигини таъкидлаш керак. Қатнашчиларнинг ҳар бири учрашувда ғалабага эришишни мақсад қилиб қўймоқда. Шу боисдан ҳам кураш ниҳоятда кескинлашиб бормоқда. Иккинчидан эса ёш қатнашчилар шижоат ва ташаббус кўрсатишяпти. Улар ҳам имкони борича ғалабани қўлга киритишга ҳаракат қилишяпти. Ғалаба билан якунланган учрашувларнинг кўпчилиги ёшлар ҳиссасига тўғри келганлиги бунинг далилидир.

Тўртинчи турда москвалик Елена Читайкина билан ригалик Зоя Увачан учрашуви ҳамманинг диққат марказида бўлди. Учрашув ниҳоятда кескинлиги ва қизиқарлиги билан ажралиб турди. Иккала рақиб ҳам масалани ҳал қилиш учун кўп вақт сарфлади. Шу боисдан ҳам улар вақтнинг етишмаслик муаммосига дуч келишди. Айниқса, Елена Читайкина мушкул аҳволда қолди. Кўпчилик, у учрашувни бой берса керак, деб ўйлаган эди. Лекин у шашкасини қурбон қилиб, оригинал йўл топди. Қийин аҳволдан қутулибгина қолмай, партияни ўз фойдасига ҳал қилишга муваффақ бўлди. Чирчиқлик Фаина Будаеванинг мамлакатимизнинг собиқ чемпиони Людмила Петрова билан очкони бўлашиб олганлиги таҳсинга лойиқдир. Яна бир ҳамшаҳримиз Гавҳар Норбекова ҳам Ольга Горелик билан дурангга рози бўлди.

Бешинчи турда мамлакатимизнинг собиқ чемпионлари ленинградлик Елена Мартьянова ва Людмила Петрова учрашуви ҳамманинг эътиборида бўлди. Бу сафар омад Еленага кулиб боқди. Зоя Увачан эса чиройли комбинация ишлатиб, киевлик Татьяна Финчукни енгди. Ниҳоят, мамлакатимиз чемпиони Нина Янковская СССР кубогининг икки карра соҳиби Е. Читайкина билан очкони баҳам кўрди. Турнирнинг энг ёш қатнашчиси Гавҳар Норбекова Людмила Сохненко билан очкони бўлашиб олди.

Олтинчи турда Е. Читайкина ва Нина Янковскаялар навбатдаги ғалабани қўлга киритишди. Республикамиз вакилларидан Фаина Будаева, Елена Мартьяновага қарши дона суриб, фахрли дурангга эришди.

Шундай қилиб, олти турдан сўнг тўрттадан очко тўпланган Е. Мартьянова, Е. Читайкина, Н. Янковскаялар пешқадамлик қилишмоқда. О. Горелик, О. Беляева, З. Увачан, Т. Германова ҳисобида эса уч яримтадан очко бор. Баҳс тобора кескинлашмоқда.

Р. АДОНЬЕВ.

Яхши дам олинг

ФИЛЬМЛАР КУРИГИ

Шаҳримиздаги касаба союзларга қарашли маданият саройларининг кинотеатрларида «Советлар мамлакатининг асосий қонуни» шиори остида ахлоқий-ҳуқуқ мавзусидаги фильмлар кўриги ўтказилмоқда. Кеча бу кўрик трактор заводининг маданият саройида тантанали очилди. Унда Тошкент область касаба союзлари совети, Тошкент шаҳар юстиция бўлими, Куйбишев район прокуратураси ва суди ходимлари қатнашдилар.

Ҳафталикда «Шикоят», «Тўй айбланади», «Айбланувчи», «Шаҳар атрофи сайри», «Юзлаштириш», «Шоқоллар учун қопқон» бадиий фильмлари билан бирга, «СССР граждани портрети», «Ичкиликбозликка қарши кураш», «Терговчи Герасимова», «Тарбияси қийин болалар», «Ҳукм кучга кирди» ҳужжатли фильмлари намойиш этилади.

Томошабинлар бундай картиналарни 12 октябргача 1-пойабзал фабрикаси, тўқимачилик комбинати, 1-уйсозлик комбинати, агрегат заводи, «Средазкабель» бирлашмаси маданият саройларида кўришлари мумкин.

МАЗМУНЛИ СУҲБАТ

Тошкент шаҳар «Билим» жамиятининг «Вилимлар уйи»да тингловчилар учун турли мавзуларда қизиқарли суҳбатлар ташкил этилмоқда. Мамлакатимизда қайта қуриш ва жадаллаштириш бораётган бир пайтда оилада сарф-харажат, турмуш, дам олиш вақтларини мазмунли ўтказиш ҳақида қизғин баҳс бориши турган гап. 10 октябрь соат 19 да бу ерга марҳамат қиладиган тингловчилар «Оила ҳаёти» мавзуида суҳбат тинглайдилар.

«Вилимлар уйи» 10 ва 11 октябрь кунлари соат 16 ва 18 дан 30 минут ўтганда Ленин мукофоти лауреати «Владимир Висоцкий ҳаёти ва ижоди»га бағишланган суҳбатли концертларни давом эттиради.

«ДЎСТЛИК» АНСАМБЛИ

Шаҳримиздаги маданият даргоҳлари қошида ишлаб турган миллий ансамблар қаторида татар халқининг «Дўстлик» ансамбли томошабинлар ҳурматига сазовор бўлаётган ижодий коллективлардан биридир. Бу ансамблнинг санъаткорлари Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига бағишлаб махсус концерт программасини ҳозирладилар. Бу концерт В. Н. Сивец номидаги авиасозлар маданият ва техника саройида 11 октябрь куни соат 19 да намойиш этилади.

ҚУШИҚЧИ КУЙЛАЙДИ

Яқиндагина Ўзбекистон ССР халқ артисти унвонига сазовор бўлган таниқли санъаткор Ғуломжон Ёқубов Ўзбекистондагина эмас, балки чет мамлакатларда ҳам санъаткорлик сафарини муваффақиятли ўтказган. Ғуломжон Ёқубов «Бахтимиз таронаси» деб номланган концерт программасига алоҳида тайёргарлик кўряпти. Бу тадбир 11 октябрь соат 19 да В. И. Ленин номидаги СССР халқлари дўстлиги саройида томошабинлар диққатига ҳавола қилинади. Концертда Ўзбекистон ССР халқ артисти Дилафрўз Жабборова қатнашади.

ФАСЛ ТАРОВАТИ

Олтин куз фаслида ўрта Осиёнинг бепоён далалари ва водийлари бўйлаб саёҳат қилиш кишига бир олам завқ беради. Тошкент шаҳар экскурсия ва саёҳатлар бюроси корхоналар, муассасаларнинг ишчи ва хизматчилари маъноқли сафари учун турли қизиқарли маршрутларни ташкил этди.

⊙ «Октябрь 50 йиллиги» номли тикув ишлаб чиқариш бирлашмасининг чеварлари қардош Тожикистоннинг Ўратепа — Ленинобод шаҳарлари ҳаёти билан танишадилар.

⊙ «Главташкентстрой»га қарашли 2-пардозлаш трести-нинг саёҳатчиларидан бир группаси туристик саёҳатни ғўзал Шаҳрисабзда ўтказиш учун сафарга жўнаб кетишди.

⊙ Пойтахт областининг Паркент районидаги тикув фабрикаси ишчилари эса Самарқанд ва Бухоро шаҳарларининг ёдгорликлари билан танишадилар.

⊙ Чилонзор райони телефон алоқаси узели ишчилари шанба ва якшанба дам олиш кунини Наманган шаҳрида ўтказадиган бўлишди. Улар тушган автобуслар манзилга йўл олди.

⊙ «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг тўқувчиларидан бир группаси Қозоғистоннинг Жамбул шаҳрига бориш истагини билдирган эдилар. Бу талаб амалга ошди.

⊙ В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг ишчи ва хизматчиларидан иборат иккита туристик группа ташкил этилди. Улардан бири Тожикистоннинг Конибодом ва Исфара шаҳарларига йўл олган бўлса, иккинчиси республикамизнинг Самарқанд ва Бухоро шаҳарларига жўнади.

А. ПУЛАТОВ.

Редактор
Т. М. ҚОЗОҚБОЕВ.

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ДАВЛАТ АКАДЕМИК ТЕАТРИДА —9/X да Тўқмоқ 10/X да **Флория Тоска.**

ҲАМЗА НОМИДАГИ ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 9/X да **Қирқ қон,** 10/X да **Тақдир ҳукми** (19.00)

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКА ТЕАТРИДА — 9/X да **Ғалати мол-олон,** 10/X да **Тошбақа ошиқ.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 9/X да **Майсаранинг иши.**

Кино

9 ОКТЯБРДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

Москва — «МУҲАББАТ БУ ҲАЁТ» (16, 18.30, 21.00).

Нукус — «БОББИ» (20.00).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «ШОҲОНА ШИКОР» (18, 21.00).

Искра — «ХАВФЛИ ГАСТРОЛЛАР» (16, 18, 20.00).

К. Ерматов номли — «ГРАФ МОНТЕ-КРИСТО» (16, 21.00), «ШЕРЛОК ХОЛМС ХХ АСРДА» (17, 20.00).

Ватан — «ЧАЛА ҲАҚИҚАТ» (18, 21.00).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «МАЪСУМА» (17, 20.00)

10 ОКТЯБРДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

Москва — «МУҲАББАТ ҲАЁТ» (16, 18.30, 21.00).

Нукус — «БОББИ» (17, 20.00).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «ШОҲОНА ШИКОР» (18, 21.00).

Искра — «ХАВФЛИ ГАСТРОЛЛАР» (16, 18, 20.00).

К. Ерматов номли — «ГРАФ МОНТЕ-КРИСТО» (16, 21.00), «ШЕРЛОК ХОЛМС ХХ АСРДА» (17, 20.00).

Ватан — «ЧАЛА ҲАҚИҚАТ» (18, 21.00).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «МАЪСУМА» (17, 20.00).

АВТОМАТ ЖАВОБ БЕРГИЧ ТЕЛЕФОНЛАР

Санъат саройи 44-21-44, 21-34, 44-21-74.
Ватан — 74-30-38.
Чайка — 77-06-20.
Москва — 33-05-01.
Тошкент Советининг 50 йиллиги — 77-47-25.
Восток — 91-14-61.
Лисунов номли — 96-34-52.
Искра — 39-14-59.
Нукус — 46-46-55.
Дружба — 67-96-87.
ВЛКСМ 30 йиллиги — 33-52.

Шаҳар кинотеатрида хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш юзасидан тақдим истаклар билан Тошкент шаҳар ижроия комитети маиший хизмат ташкилотлаштириш бошқармасига 37-11 телефон номери орқали мурожаат қилинсин.

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА —Чехословакиянинг «Барига» цирки артистларининг гастролари (9/X да 19.30 да).

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Олий ва ўрта махсус маълумотли кишилар учун

Араб, форс, ҳинд, турк тилларини ўрганиш бўйича кечки 2 йиллик пуллик шарқ тиллари курслари ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ҳужжатлар группаларга комплектлашувига қадар душанба, чоршанба ва пайшанба кунлари соат 14 дан 18.00 гача қабул қилинади.

Мурожаат учун: **Тошкент шаҳри, Ленин бўлими, Форобий кўчаси, 400-уй, шарқ факультети.**

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК КОМБИНАТИ

комбинат бош энергетиги вакант вазифасига КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурс муддати эълон чиққан кундан 6 ой.

Бизнинг адрес: 700083, Тошкент шаҳри Ленинград кўчаси, 6-уй. Телефонлар: 53-20-16, 53-90-58.

Тошкент шаҳрида ишлаган республика меҳнат-профилактика муассасалари, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш министрлигининг илмий-тадқиқот институтлари, бошқа муассасаларнинг раҳбарлари ДИҚҚАТИГА!

«Узмедтехника»нинг жалик ҳисобидаги

МАРКАЗИЙ БАЗАСИ

1989 йилга

МЕДИЦИНА ТЕХНИКАСИ БУЮМЛАРИГА 1987 ИЙЛ 10 НОЯБРГАЧА ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР = РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

10 ОКТЯБРДАН

БОШЛАБ

ҲАР ШАНБА ВА ЯКШАНБА КУНЛАРИ **СОАТ 6 ДАН 13.00 ГАЧА** ТОШКЕНТДАГИ РЕСПУБЛИКА ОТЧОПАРИНИНГ ОЧИҚ МИНБАРЛАРИ ЁНИДА ХУСУСИЙ ЕНГИЛ АВТОМОБИЛЛАР БИЛАН САВДО ҚИЛИШ УЧУН МАХСУС ТУРАРЖОЙ АЖРАТИЛГАН.

Машиналар отчопар территориясига «БАҲОР» миллий таомлар кафеси қаршисидаги ҳалқа йўл томонидан кирилади.

Автомашиналар савдоси юзасидан жой берилгани учун — 1 сўм ҳақ тўланади.

Сотилган автомобиллар белгиланган тартибга кўра комиссион магазин орқали расмийлаштирилади.

КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР ВА МУАССАСАЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ, МАКТАБ ДИРЕКТОРЛАРИ, БОЛАЛАР БОҒЧАЛАРИНИНГ МУДИРАЛАРИ, МАҲАЛЛА КОМИТЕТЛАРИНИНГ РАИСЛАРИ, ЖЭКЛАРНИНГ БОШЛИҚЛАРИ, ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ҲАВФСИЗЛИГИ МАСАЛАЛАРИ БИЛАН ҚИЗИҚУВЧИ БАРЧА ГРАЖДАНЛАР

ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Ички ишлар бошқармасининг ГАИ бошқармаси

Тошкент шаҳрида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ва уни ташкил этишни яхшилаш мақсадида

Сизлардан йўл белгилари, светофор объектларини ўрнатиш, йўл белгилари линияларини ўтказиш ва бошқа масалалар бўйича ўз истак ва фикр-мулоҳазаларингизни Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Ички ишлар бошқармасининг ГАИ бошқармасига (Глинка кўчаси, 44-уй) юборишингизни сўрайди.

Таклиф ва мулоҳазаларингиз келгуси ва истиқболдаги ишларни планлаштириш вақтида ҳисобга олинади.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ички ишлар бошқармасининг ГАИ бошқармаси.

Тошкент шаҳар ижроия комитети ободонлаштириш бош бошқармаси

«ГОРДОРСТРОЙРЕМОНТ» трестининг

«ГРАЦИЯ»

МАДАНИЯТ ВА САЛОМАТЛИК УЙИ

ЗАМОНАВИЙ РАҚС МАКТАБИГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ПРОГРАММАДА: европача, Лотин Америкача замонавий ритмдаги рақслар ўрин олган.

ЁШИ 18 ДАН КАТТА БЎЛГАН КИШИЛАР ЁЗИЛИШЛАРИ МУМКИН.

Таълим учун ҳақ тўланади.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, 19-Февраль кўчаси, 29-уй (1, 5, 26-трамвайларнинг «Восток» кинотеатри» бекати). Телефон 91-65-82.

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ КИНОЛАШТИРИШ БОШҚАРМАСИ

16 ОКТЯБРДАН БОШЛАБ

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОТЕАТРЛАРИ ЭКРАНЛАРИГА ЯНГИ БАДИИЙ ФИЛЬМЛАРНИ ЧИҚАРАДИ

«Боғбон»



Сценарий муаллифи — В. ЗОЛОТУХИН.
Режиссёр — В. БУТУРЛИН.
Ролларда: О. БОРИСОВ, К. ЮХОВ ва бошқалар.
Фильмда бутун умрини боғ ўстиришга бахшида этган одам ҳақида ҳикоя қилинади.
«ЛЕНФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИ МАҲСУЛОТИ.

«Қулфбузар»



Сценарий муаллифи — В. ПРИЕМИХОВ.
Режиссёр — В. ОГОРОДНИКОВ.
Ролларда: О. ЕЛИКОМОВ, К. КИНЧЕВ, Ю. ЦАПНИК ва бошқалар.
Фильмда ўз акасини қутқариш ниятида жиноят йўлига кирган бир ўсмирнинг тақдири ҳақида ҳикоя қилинади.
«ЛЕНФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИ МАҲСУЛОТИ.

Тошкент халқ хўжалиги институти 1987-1988 ўқув йилида ЁШЛАРНИ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА КИРИШГА ТАЙЁРЛАШ ЮЗАСИДАН

КЕЧКИ ПУЛЛИ ТАЙЁРЛОВ КУРСЛАРИГА

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

МАШҒУЛОТЛАР — математика, жамиятшунослик, она тили ва адабиёти фанларидан ўзбек ва рус тилларида, ҳафтада 3 марта ўтказилади.

КУРСЛАРГА ЎРТА МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛГАН КИШИЛАР, ШУНИНГДЕК, ЎРТА МАКТАБЛАРНИНГ 10-СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Тайёрлов курсларига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: ректор номига ариза, ўрта маълумот ҳақидаги ҳужжат (нусхаси), 10-синф ўқувчилари учун — мактабдан справка), яшаш жойидан, иш жойидан (ўрта ёки ўрта махсус маълумотга эга бўлган кишилар учун) справкалар, 2 дона фотосурат (3х4 см).

Ўқиш муддати — 6 ой.

Таълим учун — 70 сўм ҳақ тўланади. Таълим ҳақи Тошкент шаҳридаги барча Давлат меҳнат омонат кассаларида шаҳар Давлат банки конторасининг операция бошқармасидаги 100141561 ҳисоб-китоб счетига қабул қилинади.

Ҳужжатлар — чоршанба кунлари соат 16 дан 19.00 гача, шанба кунлари — соат 15 дан 18.00 гача қабул қилинади.

Машғулотлар 1987 йил декабрдан бошлаб (4-академик соат ҳажмида): **чоршанба, шанба кунлари — соат 18.45 дан бошлаб 22.05 гача; якшанба куни — соат 10 дан 14.00 гача, институт биносида ўтказилади.**

Ҳужжатлар қуйидаги адресда қабул қилинади; Тошкент шаҳри, 63-алоқа бўлими, Олмазор кўчаси, 183-уй, эски корпуснинг 1-30 хонаси.

М. ҚОРИЕҚУБОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ КОНЦЕРТ-ФИЛАРМОНИЯ БИРЛАШМАСИ
В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

11 ОКТЯБРЬ СОАТ 19.00 ДА

ЎЗБЕК ДАВЛАТ КОНЦЕРТ-ФИЛАРМОНИЯ БИРЛАШМАСИ АРТИСТЛАРИНИНГ

«БАХТИМИЗ ТАРОНАСИ» КОНЦЕРТИ

Ўзбекистон ССР халқ артистлари, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреатлари:

Ғуломжон ЁҚУБОВ ва Дилафрўз ЖАББОРОВА ҚАТНАШАДИЛАР.

Билетлар СССР Халқлари дўстлиги саройи кассаларида соат 14 дан сотилмоқда.

ТАНИШУВ ХИЗМАТИ АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«СЕМУРҒ» КОНСУЛЬТАТИВ МАРКАЗИДА

«ЭОС»НИНГ ЯНГИ — ОИЛА ҚУРИШНИ ХОҲЛОВЧИЛАРНИ ҲАМКОРЛИКДА ИЗЛАШ СИСТЕМАСИ ЖОРИЙ ЭТИЛМОҚДА.

ЭҲМ программасига биргаликдаги турмуш учун зарур асосий омиллар, онла қурувчиларнинг шахсий хоҳиш-истаклари жойланади.

ТАНИШУВНИНГ ИККИ ХИЛ КЎРИНИШИ ПЛАНЛАШТИРИЛАДИ: юзма-юз учрашув (танишув хизматига шахсан келиш) **ва ғойибона** (почта орқали).

АБОНЕНТЛАР БИР ОЙ МУДДАТ ИЧИДА ИЗЛАШ КАРТАЛАРИНИ ТЎЛДИРИШ УЧУН ХИЗМАТ МАРКАЗИГА ТАКЛИФ ҚИЛИНАДИЛАР.

«ЭОС» СИСТЕМАСИДА ҚАТНАШИШНИ ХОҲЛАГАНЛАР ИШ КУНЛАРИ СОАТ 16 ДАН 21.00 ГАЧА ҚУЙИДАГИ ТЕЛЕФОНЛАР ОРҚАЛИ СПРАВКА ОЛИШЛАРИ МУМКИН: 45-45-51, 45-36-68.

Адрес: Тошкент шаҳри, Халқлар дўстлиги кўчаси, 8 «в» уй. Оила хизмати (метронинг «Комсомол» станцияси).

ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ОКТЯБРЬ РЕВОЛЮЦИЯСИ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ТЕПЛОВОЗ-РЕМОНТ ЗАВОДИГА:

тепловоз машинистлари, асбоб-ускуналар, тепловозлар, вентиляция, асбоблар ремонти бўйича слесарлар, мастерлар, инженер-технологлар, инженер-химик, лаборант, катта бухгалтер, бухгалтер.

2-АВТОБУС ПАРКИГА:

«Б», «С», «Д», «Е» категориядаги 1, 2, 3-класс ҳайдовчилари. Категорияга эга бўлмаган кишилар ҳайдовчилар малакасини ошириш курслари, профессионал ҳайдовчилар курсларига ўқишга юборилади.

ҲАМЗА РАЙОН РЕМОНТ-ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИГА:

ташқи ёритиш ускуналарини монтаж қилиш бўйича электр монтажчилар, газ билан ёритиладиган қурилмаларга хизмат кўрсатиш бўйича электр монтажчилар, мастерлар, махсус автотранспортни бошқарувчилар.

ОКТЯБРЬ РАЙОН ЛОЙИҲА ТАШКИЛОТЛАРИГА:

электрончилар, электр механиклар, программистлар, ЭҲМ операторлари.

ЧИЛОНЗОР РАЙОН ТАШКИЛОТИГА:

инженер-электрончилар, ЭҲМ регулировкачилари.

«Главташкентстрой»
8-қурилиш трестининг

4-ҚУРИЛИШ-МОНТАЖ БОШҚАРМАСИГА:

ғишт терувчилар, электр пайвандчилар, дурадгорлар, монтажчилар.

СПРАВКАЛАР ВА ИШГА ЙЎЛЛАНМАЛАР ОЛИШ ЮЗАСИДАН ҚУЙИДАГИ АДРЕСЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН:

Марказий пункт — Пролетар кўчаси, 4-уй;
Ленин район пункти—Т. Шевченко кўчаси, 64-уй;
Октябрь район пункти — У. Юсупов кўчаси, 3-уй;
Чилонзор район пункти — 2-квартал, 3-уй;
Ҳамза район пункти — Ҳасанова кўчаси, 10-уй;
Куйбишев район пункти — К. Маркс кўчаси, 59-уй;
Киров район пункти — Энгельс кўчаси, 48-уй;
Собир Раҳимов район пункти — Қорасарой кўчаси, 270-уй;
Акмал Икромов район пункти — Фарҳод кўчаси, 21-уй;
Сергели район пункти — Спутник, 2-квартал, 69-уй;
Фрунзе район пункти — Ш. Руставели кўчаси, 87-уй.

ДИВАН-КАРАВОТ, ИККИ КРЕСЛО ВА ЖУРНАЛ СТОЛИДАН ТАШКИЛ ТОПГАН

«МИНОР»



УЙИНГИЗДА ШИНАМГИНА ДАМ ОЛИШ ХОНАСИ ЯРАТИШДА ЁРДАМ БЕРАДИ.

МЕБЕЛЬ ОЁҚЛАРИГА ҒИЛДИРАК ЎРНАТИЛГАН БЎЛИБ, КЕРАК БЎЛГАНДА ОСОНГИНА УНИНГ ЎРНИНИ ЎЗГАРТИРИШ МУМКИН.

ДИВАН-КАРАВОТДА КЎРПА-ЕСТИҚЛАРНИ ЙИҒИБ ҚЎЙИШ УЧУН ҲАМ ЖОЙ АЖРАТИЛГАН.

Журнал столининг усти тўртбурчак бўлиб ойна қўйса бўлади.

«МИНОР»НИ ОЛМАЛИҚ МЕБЕЛЬ КОМБИНАТИ ИШЛАБ ЧИҚАРМОҚДА.

У МЕБЕЛЬ МАГАЗИНЛАРИДА, ЖУМЛАДАН «МЕБЕЛЬ» ФИРМАЛИ МАГАЗИНИДА (Юнусобод массиви, 8-квартал, 39-уй. Телефон 24-87-45)

СОТУВГА ЧИҚАРИЛМОҚДА.

Устига қандай мато қопланганлигига қараб баҳоси — 553 сўмдан 748 сўмгача.

«УЗБЕКПРОЕКТМЕБЕЛЬ» (телефон: 55-22-89).

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ.

Ўқишга марҳамат!

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети

43-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ **ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА**

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати — 1-3 йил.

Билим юрти қуйидаги касблар бўйича малакали ишчилар тайёрлайди: БЎЁҚЧИ ВА СУВОҚЧИЛАР, ДУРАДГОРЛАР, ЭЛЕКТР ПАЙВАНДЧИЛАР, КОНСТРУКТОР-МОНТАЖЧИЛАР.

БИЛИМ ЮРТИГА 8-10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛГАН ЙИГИТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юртини битирганлар ўзлари танлаган мутахассисликлари билан бирга ўрта маълумот тўғрисида аттестат ҳам оладилар.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирган ўқувчилар техникум ва олий ўқув юртларига кириш учун йўлланма оладилар ҳамда имтиҳонсиз қабул қилинадилар.

ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

Ўқишга қабул қилинганлар кунига 3 маҳал бепул овқат, формали ва махсус кийимлар билан таъминланадилар.

10-синфни битирганлар ҳар ойда 30 сўмдан стипендия оладилар.

Булардан ташқари ўқувчилар ишлаб чиқариш практикасида ишлаган ҳақларининг 50 процентини мукофот тариқасида оладилар.

Билим юрти қошида танлаган касблари бўйича тўгараклар мунтазам равишда иш олиб боради.

Ўқувчилар ёзги каникулни Чимёнда жойлашган лагерда ўтказишлари мумкин.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш керак: билим юрти директори номига ариза, паспорт ёки туғилганлиги ҳақидаги ҳужжат, маълумоти ҳақидаги шаҳодатнома, турар жойидан справка, соғлиги ҳақидаги справка, 3х4 см. ҳажмида 4 дона фотосурат.

АРИЗА ВА ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ (дам олиш кунидан ташқари) СОАТ 9 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Юнусобод массиви, 7-квартал (25, 28, 29-трамвайларнинг охирги бекати).

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
Ўзбек ва рус тилларида мустақил равишда нашр этилади.

«Ташкент оқшоми»
(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия турмуши ва пропаганда — 32-54-19; совет қурилиши ва ҳалқ контроли — 33-08-74, 33-51-83; шаҳар хўжалиги, савдо ва маиший хизмат — 32-55-39, напитал қурилиши — 33-81-83; фан ва ўқув юртлари — 32-53-10; физкультура ва спорт, ҳарбий-ватанпарварлик бўлими — 32-55-32; маданият — 32-53-83; ахборот — 33-28-95; хатлар ва оммавий кутубхоналар — 33-29-70; иллюстрация — 32-55-37; жамоатчилик редакцияси — 33-99-42, 32-51-83; «Ташкентская неделя» рекламалар иловаси — 32-56-84; эълонлар — 33-81-42.

Р. — 13044. Якшанбадан ташқари ҳар куни чиқади. Ички саҳифаларга 19.30 да қўл қўйилган. (График бўйича 17.00 да қўл қўйилиши лозим). Б. 2483. Тираж— 75.131. Индекс 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9